



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 18 » mart

№ 148

Toshkent sh.

ХДФУ \_\_\_\_\_  
нусха

### **Республика худудида ип-калавани чуқур қайта ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида**

Коронавирус пандемиясидан кейинги даврда жаҳон иқтисодиётининг аста-секин жадаллашиб бориши натижасида ташқи бозорларда пахта ип-калавасига талабнинг кескин ошиши ҳамда нархлар кўтарилиши кузатилиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи корхоналарда хом-ашё танқислиги билан боғлиқ муаммоли масалалар вужудга келмоқда.

Республикада пахта ип-калавасини чуқур қайта ишлаш орқали тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ошириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда экспортни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан **Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ–4453-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали пахта ип-калавасини олиб чиқишда 2021 йил давомида олиб чиқиладиган ҳар бир килограмм ип-калава учун 0,01 АҚШ доллари миқдорида йиғим ундирилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2021 йил 1 мартдан 2021 йил 1 августгача бўлган даврда пахта ип-калавасини экспорт қилиш квотасини белгилаш ва ушбу квотадан ортиқ экспорт қилинадиган пахта ип-калавасининг (ТИФ ТН коди 5205–5207), бўялган калава бундан мустасно, ҳар бир килограмми учун 0,32 АҚШ доллари миқдорида кўшимча йиғим (кейинги матнларда – кўшимча йиғим) ундириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

3. Тариф ва нотариф тартибга солиш кенгаши (С.У. Умурзаков)га “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таклифи асосида:

2021 йил 1 мартдан 2021 йил 1 августгача бўлган даврда пахта ип-калавабини экспорт қилиш квотаси миқдорини пахта тўқимачилик кластерлари, ишлаб чиқарувчи ташкилотлар ва ойлар кесимида белгилаш;

пахта ип-калавабининг ташқи ва ички бозорлар конъюнктурасидан келиб чиқиб, пахта ип-калавабини экспорт қилиш квотаси ва қўшимча йиғим миқдорларини ўзгартириш ваколати берилсин.

4. Белгилансинки:

2021 йил 1 мартдан 2021 йил 1 августгача бўлган даврда пахта ип-калавабини экспорт қилиш квотаси умумий ишлаб чиқариладиган пахта ип-калавабининг ўртача 50 фоизи миқдорида белгиланади;

ундирилган қўшимча йиғим маблағлари тайёр тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилувчи ташкилотларга экспортolni молиялаштириш кредитлари орқали молиявий ресурс ажратилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги ҳузуридаги Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтирилади.

5. Тариф ва нотариф тартибга солиш кенгаши (С.У. Умурзаков) бир ҳафта муддатда 2021 йил 1 мартдан 2021 йил 1 августгача бўлган даврда пахта ип-калавабини экспорт қилиш квотаси миқдорини пахта тўқимачилик кластерлари, ишлаб чиқарувчи ташкилотлар ва ойлар кесимида тасдиқласин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов